

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

ХАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган



2001 йил 26 январ жума
Сотувда эркин нархда № 19 (2581)

ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI OLIY MAJLISI VA ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAJLISINING GAZETASI

ТЕМИР ЙЎЛ — ИҚТИСОДИЁТНИНГ ҚОН ТОМИРИ



Темир йўллари? Давлат акциядорлик темир йўл компанияси таркибига кирувчи тузилмаларнинг хилма-хиллиги, бошқарув тизимининг самарасизлиги, молиялаш тамойилларининг ноаниқлиги ва бошқа сабаблар шунга олиб келдики, компания фаолияти борган сари кам самара бермоқда.

Шундай экан, тармоқни тубдан янгилаш, бозор шартларида ишлашга мослаштириш учун нималар қилиш керак? Ушбу йил мамлакатимиз Президентини топширишга биноан соҳани реструктуризация қилиш бўйича тузилган ҳукумат комиссияси мазкур саволга жавоб топшишга лозим эди. Комиссияга Ўзбекистон Республикаси Бош вазири У.Султонов раҳбарлик қилди.

Кенгаши иштирокчиларини ҳукумат комиссияси ишининг натижалари билан "Ўзбекистон темир йўллари" Давлат акциядорлик темир йўл компанияси бошқарувининг раиси Р.Зоҳидов таништирди. Комиссия соҳани бошқариш тамойилларини ўзгартириш, бошқарув тизимини такомиллаштириш, тартибга солиш ва ҳужжалик функцияларини ажратишга доир тақлифлар тайёрлади.

"Ўзбекистон темир йўллари" Давлат акциядорлик компанияси таркибига кирувчи корхоналарни давлат тасаруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш, уларнинг хорижий сармояларни кўпроқ жалб этишга доир тақлифларга алоҳида эътиборини қаратди.

Бироқ, давлатимиз раҳбарининг фикрича, тақлиф

этилган концепцияда мавжуд муаммага кўп жиҳатдан юзаски ёндашиш сезилади. Талай муҳим жиҳатлар сусти ишлаб чиқилган, дастур умуман олиб қаралганда, республика темир йўл транспорти фаолиятини қай тарзда яхшилаш лозимлиги ҳақида аниқ тасаввур бермайди. Зеро, дастурда соҳани ислоҳ қилиш жараёни моҳиятини белгилаб берувчи мақсадли вазифалар ўз аксини топмаган.

Кенгаши шу масалалар қаторида, Президент Ислоҳ Каримов соҳада давлат мулки устуворлигидан имкони бори-ча ва бундан асосланган ҳолда воз кечтиш лозимлигини айтиб ўтди. Табиийки, бундан тўлиқ амалга ошириб бўлмайди.

Айни пайтда мулкчиликнинг шаклларида ҳам давлат транспорт йўллари устидан ўз нозоратини сақлаб қолади. Айни пайтда мулкчиликнинг жамоавий, аралаш, хусусий шаклларида фойдаланиш мумкин бўлган соҳалар ҳам кам эмас ва бундан чўчимаслик керак. Корхоналарни хусусийлаштиришдан кўзланган мақсад, меҳнатнинг моҳиятини ўзгартириш, соҳа ходимларининг ўз меҳнати натижаларидан манфаатдорлигини оширишдангина эмас, балки транспорт соҳасида рақобат муҳитини ривожлантириш, корхоналар фаолияти сифати ва самардорлигини ошириш учун ҳам зарур.

Шу сабабли, қайси тармоқлар давлат мулки ҳисобида қолшиши, қайсилари хусусийлаштириш лозимлигини

аниқ белгилаб олиш керак. Давлат активларини бошқариш сифатини ошириш учун аста-секин давлат назорати сақланиб қоладиган бўлишлари ҳам ақиллаштириш ҳамда уларни ишонч асосида бошқаришга топшириш лозим.

Темир йўл транспорти монополиясини чеклаш ҳам асосий масалалар. Бу эса тармоқ фаолиятини қатъий назорат қилиш, нархларнинг асосий равишида ўсишига, соҳадаги монополиячи тусдаги бошқа салбий ҳолатларга йўл қўймаслик учун зарурдир. Бунинг учун рақобат муҳитини ривожлантириш керак.

Ишлаб чиқилган ҳужжатларнинг яна бир муҳим камчилиги шундаки, улар компаниянинг таркибий ва ҳудудий бўлиналарида старли муҳокама қилинмаган. Тармоқни ислоҳ қилиш бўйича бундай кенг қўламли дастурни қабул қилишда янги тартиб ва қондалар асосида ишлаш ва яшаш лозим бўлган одамларнинг таърибасини ва фирм-мулоҳазасини эътиборга олмаб бўлмайди.

Билдирилган мулоҳазалардан келиб чиққан ҳолда Президент Ислоҳ Каримов ҳукумат комиссиясига қисқа муддат ичида темир йўл транспорти қайта реструктуризация қилиш бўйича тақлиф этилган дастурни қайта ишлаб чиқиш вазифасини топширди.

О. ЗАДУНАЙСКАЯ, А. КАРИМОВ, Ў.А. МУХИРОВ.

«Таркибида олтин ва уран бўлган рудаларни қазиб олиш ҳамда қайта ишлашга доир замонавий фан ва техника ютуқларини ўзлаштириш ва амалиётга жорий этиш жамоага халқаро миқёсда эътироф этилган энг йирик кон қазийш компаниялари ўртасида етакчи ўринни эгаллаш имконини берди».

(Президент Ислоҳ Каримовнинг Навоий кон-металлургия комбинати жамоасига табригидан).

«Дўстлик» орденли Навоий тоғ-металлургия комбинати жамоаси Президентимизнинг табригини ўз меҳнатлари-га берилган юксак баҳо сифатида қабул қилди. Самимият, инсонпарварлик, оталарча меҳр туйғулари ила йўрилган мактуб олтинтопарлар қалбини гурур ва ифтихорга тўлдирди, уларни янги марраларга руҳлантирмоқда.

Юртбошимиз мустақиллик йилларида республикамизда олтин қазиб олиш 1,7 баравар кўпайганлигини алоҳида таъкидлаб ўтди. Айтиш жоизки, бу улкан ютуқда Қизилқум бағридаги «Зарафшон-Нью-Монт» Ўзбекистон-Америка қўшма корхонаси жамоасининг ҳиссаси салмоқли. Беш йил муқаддам Мурунтоева иш бошлаган мазкур замонавий корхонада турли миллат вакиллари меҳнат қилишади. У асосан 3 тегиримон, 9 ичкан ҳаво тазолагичдан иборат бўлиб, йилга бир неча миллион тонна тоғ жинсларини қайта ишлаш қувватига эга. Ушбу давр мобайнида бир неча ўн миллион тонна тоғ жинслари қайта ишланди, соф олтин ажратиб олиш кескин кўпайди, Мурунтов

кенгликлари экологиясини издан чиқараётган «сунъий тоғлар»га барҳам берилди. Яъни уша ташландиқ тоғ жинслари — иккиламчи хомашё қайта ишланди, шунинг ҳисобига тонналаб олтин олинмоқда.

Бугунги кунда бу корхонани бутун дунёда яхши билишади. Чет эл сармоядорлари, фирма ва компаниялари ўртасида Зарафшон олтинга қизиқиш катта. Негаки, бу ерда ишлаб чиқарилаётган соф олтин қўймалари дунёдаги энг нуфузли Лондон, Токио биржаларида хариддоргир бўлиб, халқаро муқофотларга сазовор бўлаётди.

Корхонада ўтган йили бир неча юз минг унциядан ортиқ олтин тайёрлашга эришилди. Бу эса олдинги йиллардагидан анча кўпдир.

Кўни кеча Европа Тараққиёт ва тикланиш банки корхона қувватини ошириш мақсадида 30 миллион АҚШ доллари миқдорига сармоя ажратди тўғрисидаги шартномани имзолади. Бу — қўшма корхона 2013 йилгача тўлиқ чет эл инвестицияси билан таъминланди, дегани.

Абдуваҳоб ПИРМАТОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ШУ КУННИНГ ГАПИ

ВАТАН ЯҲОНАДИР, ВАТАН БИТТАДИР!

ЯНГИ ҲАРАКАТ

унинг ҳузурда Ёшлар масалалари ва муаммолари мониторинги институти ташкил этилса...

Табият ва жамиятнинг ўзига хос қонуният бор: унда ҳеч қачон бўшлиқ, яъни вакуум узоқ туриб қолмайди. Бўшаб қолган жойни ёки ўринни, албатта, нимадир ё кимдир эгаллайди — бoshқача бўлиши мумкин эмас. Мадонки шундай экан, жамиятнинг асосий бўғинларидан бирини ташкил қиладиган, бугунги ишларимиз, умидларимизнинг давомчилари ҳисобланган, ози жихатдан ҳам кам бўлмаган ёшларнинг, Президентимиз айтганларидек: «маънавий ҳаётда бўшлиқ пайдо бўлишига асло йўл қўйиб бўлмайди. Бундай бўшлиқ юзага келган тақдирда эса уни ёшларнинг илмига, касб-хунарга, соғлом турмуш тарзига, бунёдкорлик ишларига қизиқишлари билан ҳамроҳанг бўлган янги ҳаёт мазмуни, янги қадриятлар билан тўлдириб лозим». Тўғри, ана шу мақсадда бундан беш йилча бурун республика ёшларининг «Камолот» жамғармаси тузилган эди. Унинг оёққа туриб олиши учун каттагина маблағ ва имтиёзлар ҳам берилганди. Лекин... Лекин у ёшларни ўзининг бағрига бутунлигича тўплай олмади, уларнинг кўнглига йўл топа билмади... Биз очик жамият қуриш йўлидан бормоқдамиз. Очик жамият ўз номи билан очик-да. Ана шу очиклик тўғрисида чор-атрофдан агар борот шакли ёки ниқобдан турди мафкуралар жаминини, ҳаётимизга бостириб кела бошлайди. Ва улар, табиийки, энг аввало, бироз сарқаш, бироз гур ва бироз бўкливуван бўлган ёшларимизга тийиб элади. Ва юзага келадиган бўшлиқ ҳам, энг аввало, ана шунлар ҳисобига тўлиши мумкин.

Бугунги кунда ёшлар масаласида талай муаммолар борлиги, уларнинг олди агар олдинмас, эртага кеч бўлиши, мамлакатимиз раҳбарини айтганда, энди бунга ортиқча беппарво қараб бўлмаслиги ҳампарво қараб бўлмаслиги шундай маъна. Мадонки шундай экан, нимадир қилиш, нимадир тузиш керак, токи у ёшларни ўз бағрига чорласин, ўз бағрига тўласин, уларнинг

қўнглига йўл топсин. У ёшларнинг олдига эмас, ёшлар унинг олдига ўз ихтиёрлари билан келинлар, ундан масалаҳат сўрасинлар. У ёшларга етакчилик қилсин, ёрдам берсин, ёшларнинг ихтиёрий равишида йиғилдиган, тўпландиган, фикр-мулоҳаза алмашадиган, баҳс-мунозара қиладиган бир гушага айлансин ва ёшлар унга томон мудом интилсин, ундан нимадир, йўқотган ёки излаган нимасинидир топа олсин... Президент Ислоҳ Каримов «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ташаббус гуруҳи билан учрашувда сўзлаган нутқида уларнинг бу борадаги тақлифларини очик-ойдин, дунда қилиб айтди. Ва унинг аввалиги номини сақлаб «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, деб атамас-чи, деган тақлифни ҳам киритдилар. Булажақ ҳаракатининг моҳияти, асосий вазифаларидан тортиб, тузилиши — шаклу шомойилигача ба-тафсил тушунириб бердилар. Мен ана шу маърузани ҳар бир ёш, ҳар бир фуқаро ўқиб, ўзича таҳлил қилишсин, ана шу ҳақда ўзининг фикр-мулоҳазасига эга бўлишини истар ва тақлиф қилар эдим.

Мамлакатимиз раҳбарининг маърузасидаги «Ёш қадрларнинг ҳаётга бўлган ишончининг сўниб қилишига йўл қўймаслик, уларнинг қобилиятини, эришадиган ютуқларини доимо кўзатиб бориш, усул-усулбларини, бугунги тил билан айтганда, мониторингини ташкил қилиш зарур», деган сўзларини тинглаб туриб, янги, булажақ Ҳаракатининг ҳузурда Ёшлар масалалари ва муаммолари мониторинги институти жорий қилинса, мақсадга мувофиқ бўларкан, деган фикрга келишим. Хўш, бу нега ва нима учун керак? Давр, айниқса, мамлакатимиз миқёсида кечадиган ўтиш даври, ҳам жаҳон миқёсидаги интеграциялашув, глобаллашув, ахборот ва тараққиёт, деб аталаётган давр ўз табиатига қура ўта шиддаткор ва ўзгарувчан. Бу унсурлар, айниқса, ёшларга, юқорида айтганимиздек, ҳам ижобий, ҳам

ЁШЛАРГА БИРИНЧИ НАВБАТДА НИМА КЕРАК?

Президентимиз ана шу саволни ўртага ташлаб, унга ўзлари шундай жавоб бердилар: «Этибор керак»

Этиборда гап кўп. Этиборли бўлсангиз, у ўзингизми, қизингизми, албатта, кўнглидан нималар кечаётганини биласиз. Салгина қош

Этибор самимиятни талаб қилади. Самимият эса кўнглидан чиқши керак. Самимият бўлса, урра-урра-чилик, тўрачилик, мансабпарастлик, ўзибўларчилик йўқолади. Самимият қачон бўлади? Қачонки, Юртбошимиз айтганидек, Ватан ягонадир, Ватан биттадир, деган туйғу қалбимизда бўлса. Қалбида шу туйғу бўлмаган, унинг моҳиятини англаб олмаган киши бунинг ёшларга қандай сингдир олади? Шунинг учун ҳам Президентимиз ёшлар орасида табиий етакчилар бўлишини, уларни илғаш, уларга этибор бериш, уларнинг кучини тўғри ўзига буриб юбориш ҳақида гапирди. У кишининг ҳар бир сўзи ҳикмат. Фақат мағзини чақши, мағзинга етиш зарур. Шунда бу қадар жон куйдириш сабабини тушунасиз. Бунинг ҳаммаси элимизнинг, юртимизнинг эртасини, келажакини ўйлаб қилинаётган ишлар. Бинобарин, Юртбошимиз сизу бизга, ёшларга этибор қиляпти. Этиборки, оталарга хос. Самимият, Зеро, чўққига чиққан узокни кўзлайди. Сизу биз билмаган нарсани билади. Демак, ҳар бир фуқаро, айниқса, ёшлар Юртбошимиз сўзларидан ҳарорат, ошаш меҳрга муносиб бўлишга интилса, ўйлайманки юртимиз жаннатга айланади.

Энди ёшлар билан қандай ишлаш кераклиги, ёшлар ҳаракатининг қандай бўлиши зарурлиги, йўналишлар аниқ. Бу Президентимиз маърузасида кўрсатиб берилди. Давлат ва ёшлар ўртасида кўприк — эндиги ёшлар ташкилоти ана шун

дай бўлади. Демак, ҳар бир ёш этибордан четда қолмайди. Аммо бир лекин бор. Жойларда ана шундай ташкилотга етакчиларни тайловчилар яна эски андозалардан фойдаланмасликлари, тили узун, калласида ҳеч вақо йўқларини ёшлар етакчилигига раво кўрмасликлари даркор. Бу масалага шахсий манфаат нуктаи назаридан ёндашиш ўзининг оёғига ўзи болта уриш билан баробардир.

Этибор яхши нарсас. Этибор билан кўнгли тоғдай кўтарилди. Президентимизнинг сўзларини тинглаб туриб, ҳали кўп иш қилиш зарурлигини англадим. Шундай этибор кўрсатилса-ю, унга яраша бўлмаслик уст. Мақсад нима? Мақсад халқимизнинг азалий ананалари, урф-одатлари, тили, дини, руҳияти, қадриятлари, тафаккури асосида умуминсоний замонавий ютуқларни ўзлаштириб, Ўзбекистонини жаҳонга танитиш. Ривожланган мамлакатлар қаторига қўшилиш. Уша давлатлардан сингари халқимизнинг фаровон ҳаёт кичиришини таъминлаш. Шундай бўлса, келинг, этибордан фойдаланинг, этиборга яраша бўлинг, этибордан қочманг. Назаримда, мамлакатимиздаги барча фуқаролар, ёшлар қатори қашқадарёликлар қалбидан ҳам шундай уйлар кечганлиги, табиий. Шунинг учун ҳам эрта азондан Президентимизнинг ёшларга нечолик катта этибор бераётганлиги гурунларининг бош мавзусига айланади.

Нарзулла РАВШАНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Бугун

Ўзбек Ҳиндистон деганда Тож Маҳални кўз олдига келтирса, Ўзбекистон номини эшитган ҳар бир ҳинд кишиси онгида Самарқанду Бухородаги жаҳонга машҳур тарихий обидалар жилваланади.

Конун ҳурмат қилинган жойда ҳеч қачон адолатсизлик бўлмайди.

Поллинозга чиқорнинг алоқаси борми?

— Товариш Аҳмед, бундан роппа-росса қирқ беш йил олдин, сиз билан қамоқлагерида бирга бўлганмиз.

Онанинг қалбида қуёш бор...

Исмаи ХУДОБЕРОВ, Ижтимоий-сиёсий ҳаёт бўлими муҳаррири.

Хурматли тахририят!

Уйимизнинг олдида бир туп чинор дарахти бор. Кейинги йилларда болаларимиз нафас қисими, қичима каби касалликлар безовта қилмоқда. Елиб-югуриб уларни давлатамиз, лекин кузда яна қайталашади. Кўни кўрган кексалар: «Бунга мана шу дарахнинг барғидаги тукчаларнинг тўқилиши сабаби», дейишади. Шу гап ростми? Чинорнинг барғи, уруғидаги туклар аллергия кўзгайдими? Шу ҳақда маълумот берсангиз.

Р. ИНОГОВА, Тошкент шаҳри.

ЭҲТИЁТ БЎЛИНГ, ПОЛМИНОЗ!

Кейинги 20-30 йил ичида бутун жаҳонда, шу жумладан республикамизда ҳам аллергия касаллиги билан оғриганлар миқдори ўсиб бормоқда. Энг ачинарлиси, бу касалликларга болалар кўп чалинмоқда.

Аллергия касалликларининг тури кўп. Булар нафас йўли аллергияси, тери аллергияси, овқат ва дориалар аллергиясидир. Айниқса, кейинги пайтларда поли-

ноз, яъни ўсимликлар гули чангининг аллергияси хасталиги ҳам кўпайиб бормоқда. Ушбу касалликнинг 3 та авж олиш даври кузатилади: биринчиси, эрта баҳорда (III-IV) дарахлар гулининг чангига аллергия, иккинчиси, баҳорда (IV-V) ойларда ва эзнинг охири ҳамда куз ойларида қузилди. Кейинги пайтларда дарахлар гулининг чанги тахририят поли-

ракти ҳам кўп сабаб бўляпти. Энг қизиғи шундаки, чинорнинг гуллари эмас, балки баҳор пайтида ёш новдалар, баргларида пайдо бўладиган мийқик тукчалари кучли аллергия касаллиги чиқариш хусусиятига эга. Шу билан бирга чинорнинг барғи ва новдалари эфир мийқик ҳам чиқаради. Шунинг учун бўлса керак, чинор дарахтига қушлар уя ҳам қурмайдилар.

лергик маркази (1-шаҳар шифохонаси қошида)га мурожаат қилишлари лозим. Дарахлар, ўсимликлар чанги, айниқса, шаҳар шaroитида завод, фабрика, автотранспортлар ва ҳоказолардан чиқадиган чиқиндилар билан аралашиб, аллергия хусусиятини кучаяди. Тоғ, дала жойларда эса уларнинг бу хусусиятлари анча пасаяди. Чинор дарахтининг барглари қалин бўлиб,

уларни ҳатто қорва моллари ҳам истемвол қилмайди. Бу баргларнинг чириши ҳам жуда қийин. Шу тўғрисида уларни кўпчилик ҳолларда йиғиб, ёқиб юборишади. Аслида таркибида мийқик эфир моддаси бўлган барғ ёқилганда атроф-муҳит булғанишидан ташқари унинг ҳидидан касаллар ниҳоятда қийналишади. У нафас олишмига салбий таъсир қилиб, астма, бронхит касалликларининг кучайишига ҳам сабаб бўлади. Чинор қақирган дардга, айниқса, болалар кўп чалинмоқда.


Тўғри, чинор жуда салобатли, қурқам дарахт, аммо уни шаҳар ичида кўпайтирмастик керак. Чинор ўрмон ва иҳоталанган махсус жойларга ярашади. Салоҳиятликка зарарли ҳар қандай ўсимлик ёки дарахт, гарчанд у қанчалик салобатга эга бўлмасин, инсондан узоқда ўсгани маъқул.

Мунис МУҲСИНОВ, Тошкент шаҳар 1-клиник касалхона қошидаги шаҳар аллергия маркази бўлими бошлиғи.

Ўзбекистон-Ҳиндистон УМИД ВА ИШОНЧ

Икки юрт ҳамкорлигининг тамал тошидир

Бундан роппа-роса 51 йил муқаддам кўҳна Ҳиндистон Республикаси деб эълон қилинди. «Ҳиндистон» деганда ҳар бир ўзбек фуқароси кўз ўнгидеда бобурийлар салтанатининг намояндалари бунёд этган дунёнинг етти мўъжизасидан бири саналмиш Тож Маҳал қасри намоеён бўлади. Шунингдек, Ўзбекистон номини эшитган ҳар бир ҳинд киши онгидеда Самарқанд Бухородаги жаҳонга машҳур тарихий обидалар жилваланади. Бундан ташқари, 1966 йили Тошкентда Ҳиндистон ва Покистон раҳбарлари имзолаган «Тошкент декларацияси»дан сўнг Ўзбекистон пойтахти «тинчлик шаҳри» сифатида донг таратади.



Тошкент декларацияси имзоланган Ҳиндистоннинг Агра шаҳридаги Тож Маҳал қасри.

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг ўзбек-ҳинд алоқаларида янги давр бошланди. Бу алоқалар барча жаҳонларни ўз ичига олади. Айни пайтда ўзбек-ҳинд муносабатлари ўтган давр мубоайнида имзоланган қатор ҳужжатлар асосида тобора ривож топмоқда. Яна шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон мустақиллигини биринчилардан бўлиб тан олган даврлар орасида Ҳиндистон ҳам бор эди.

Ўзбекистон «Қарс икки кўлдан чиқди» деган нақл бор. Ўзбекистон Республикаси жаноб Исло Каримов раҳнамолигида дунёдаги барча мамлакатлар билан дўстлик ва ҳамкорлик ришталарини ўрнатди. Ўзбекистоннинг ҳар бир имкониятдан унумли фойдаланишида, Ва, мен гуруҳ билан айтишим мумкинки, бу мамлакатлар ичида менинг она ватаним Ҳиндистон ҳам бор. Ўзбекистон ўз мустақиллигининг 10 йил тулишига шайхон қадамлар билан бораётган экан, ушбу тарихан қисқа муддат ичида Президент Исло Каримов уш мароғатда Ҳиндистон сафарига бўлганлигининг ўзи Ўзбекистон раҳбарияти Ҳиндистон билан бўлган алоқаларга қанчалик жиддий эътибор беришини кўрсатади.

Ўзбекистон Президент Исло Каримов олиб бораётган оқилона ички ва ташқи сиёсат Ҳиндистон оммавий ахборот воситаларида мунтазам равишда еритиб боришмоқда. Ҳиндистонда кўзга кўринган «Тайм оф Индия», «Навбахарат Тайм», «Ҳиндистон», «Эйзэен Эйж», «Аж», «Трибун», «Хинду», «Ҳиндистон Таймс» сингари газеталар шаҳфаларида Ўзбекистонга тааллуқли мақолалар мунтазам чоп этиб турилади. Оддий бир ҳинд журналисти сифатида менинг таассуротим шундайки, жаноб Исло Каримов раҳбарлик қилаётган мамлакатнинг иқтисодий-ижтимоий ислоҳотларига хос беш тамойил ўзининг

тиб турибди. Ушбу давр мубоайнида Ҳиндистон Бош вазири, Ташқи ишлар вазири ва бошқа расмий кишилар Ўзбекистонга ташриф буурдилар. Давлат ва ҳукумат раҳбарларининг мунтазам олиб борган учрашуви ва музокаралари натижасида 50 дан зиёд муҳим ҳужжатлар имзоланди. Булар орасида халқаро терроризмга қарши биргаликда кураш олиб бориш ҳақидаги шартнома алоҳида урин эгаллаиди. Иқтисодий, савдо-сотиқ, илмий-техникавий, санъат ва адабиёт, оммавий ахборот воситалари, маориф ва спорт соҳаларида ҳамкорликни ривожлантириш мавзусидаги ҳужжатлари ҳам бениҳоя муҳимдир.

Ўзбекистон Президент Исло Каримов олиб бораётган оқилона ички ва ташқи сиёсат Ҳиндистон оммавий ахборот воситаларида мунтазам равишда еритиб боришмоқда. Ҳиндистонда кўзга кўринган «Тайм оф Индия», «Навбахарат Тайм», «Ҳиндистон», «Эйзэен Эйж», «Аж», «Трибун», «Хинду», «Ҳиндистон Таймс» сингари газеталар шаҳфаларида Ўзбекистонга тааллуқли мақолалар мунтазам чоп этиб турилади. Оддий бир ҳинд журналисти сифатида менинг таассуротим шундайки, жаноб Исло Каримов раҳбарлик қилаётган мамлакатнинг иқтисодий-ижтимоий ислоҳотларига хос беш тамойил ўзининг

Озодлик ва истиқлол даврида Ўзбекистон босиб ўтган йўл шунки кўрсатиб турибдики, иқтисодий ислоҳотларнинг нечоғлиқ муваффақият қозониши кўп жиҳатдан мамлакат раҳбариятининг омилкорлигига боғлиқдир. Шу бугунга келиб жаҳоннинг 170 дан зиёд давлати Ўзбекистонни тан олгани юртингизнинг обрў-эътибори жаҳон миқёсида кун сайин ортиб бораётганига яна бир далилдир. Ишончим комилки, Ўзбекистон барча мураккаблиқларга қарама-қарши олган интилоб бораверади. Зеро, иродаси мустаҳкам ҳалқнинг истиқбол ҳам нурафшон бўлади.

Алок ШЕҲҚАР, ҳинд журналисти.

Хусусий АЁҚШлар уюшмаси анжумани

Ўтган йилларда хусусийлаштирилган ёниқ кўйиш шохобчаларининг сони қариб икки баравар орди. Натижада аҳолига сервис хизмати кўрсатиш, бюджетта нақд пул тушириш, чет эл сармоясини жалб этиш ишлари бирмунча яшиланди. Энг муҳими, автомобиль эгалари хусусий АЁҚШларнинг афзаллигини яққол ҳис қилиб бошладилар. Бироқ бугунги кунда мазкур АЁҚШлар олдига нефть маҳсулотлари харид қилиш, ташиб келтириш, зиммаларига юклатилган мажбуриятларни бажариш юзасидан бир қатор муаммолар юзага келди. Пировадига уларнинг айримлари ўзини тўғилишга оқлай олмади, баъзилари банкротга учради.

Хўш, шундай шароитда хусусий АЁҚШларга қандай ердан қўйиш мумкин? Умуман, уларнинг олдида қўйиладиган муаммо ва тўсиқларни бартараф этиш мумкинми? Кеча Тошкент шаҳар ҳокимлигида бўлиб ўтган хусусий автоиниқли кўйиш шохобчалари уюшмасининг йиғилишида ана шу масала муҳокама қилинди. Унда «Узавнефтьмаҳсулот» корпорацияси, республика Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси, ҳокимлик вакиллари ҳамда хусусий АЁҚШ раҳбарлари иштирок этиди.

Мазкур йиғилишнинг хусусий автоиниқли кўйиш шохобчалари уюшмаси директори Людмила Созанова олиб борди. — Бугунги кунда барча хусусий АЁҚШларни уюшма таркибига бириштириш орқали улар учун зарур бўлган техникаларни харид қилиш, маҳсулотни тўғридан-тўғри заводнинг ўзидан келтириб, тарқатиш ниҳоятда муҳимдир, — деди нотиқ. — Ана шунда ортинча харажатларга ва турли эҳтисотларнинг қарши берилиши.

Йиғилишда қўйилган масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

Б. ОСТАНАКУЛОВ, «Халқ сўзи» муҳри.

Хўш, шундай шароитда хусусий АЁҚШларга қандай ердан қўйиш мумкин? Умуман, уларнинг олдида қўйиладиган муаммо ва тўсиқларни бартараф этиш мумкинми? Кеча Тошкент шаҳар ҳокимлигида бўлиб ўтган хусусий автоиниқли кўйиш шохобчалари уюшмасининг йиғилишида ана шу масала муҳокама қилинди. Унда «Узавнефтьмаҳсулот» корпорацияси, республика Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси, ҳокимлик вакиллари ҳамда хусусий АЁҚШ раҳбарлари иштирок этиди.

Умумиқтисодий мажмуи мажлиси

Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамаси Умумиқтисодий мажмуи мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисда Мажмуа таркибига кирадиган вазирилик ва идораларнинг ўтган йилиги иш якунилари таҳлил қилинди ҳамда 2001 йилда мажмуа ва унинг тизимлари олдида турган, мамлакатимиз раҳбари Исло Каримовнинг Ўзбекистон Президентлиги ҳузуридаги ишловотлари ва инвестициялар бўйича идоралараро мувофиқлаштириш кенгашида сузлаган нутқидан ва Вазирилар Маҳкамасининг 2000 йил 29 декабрдаги «Вазирилар Маҳкамасининг умумиқтисодий мажмуи ишлари самардорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қароридан келиб чиқадиган аниқ мақсадга йўналтирилган вазифалар белгилаб олинди.

Ташкилий масалалар кўрилди

Макроиқтисодий ва статистика вазирилик ҳузуридаги Биришган ҳайъатнинг биринчи мажлиси бўлиб ўтди. Унда ҳайъат фаолияти билан боғлиқ ташкилий масалалар муҳокама қилинди. Мажлисни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, макроиқтисодий ва статистика вазири Р.Азимов бошқарди.

Мажлисда Ҳайъатнинг 2001 йилги иш режаси, иш тартиби ҳамда Биришган ҳайъат ҳузурида ташкил қилинаётган доимий ишловот Экспертлар кенгашиларининг таркиби тасдиқланди.

Мажлисда мажмуа иқтисодий ва ижтимоий муаммоларни, номутаносибликларни ҳар томонлама чуқур таҳлил этиб бартараф қилишда Ҳайъат ишнинг ташкил этишига қаратилган комплекс чора-тадбирлар ва механизмлар белгилаб олинди. Бу чора-тадбирларнинг амалда оширилиши мамлакатимиз иқтисодий ва ижтимоий ҳаётининг раҳбари Исло Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Президентлиги ҳузуридаги ишловотлари ва инвестициялар бўйича идоралараро мувофиқлаштириш кенгашининг 2001 йил 11 январь кунги бўлиб ўтган йиғилишидаги нутқидан белгилаб берилган устувор йўналишлар асосида бундан буён ҳам барқарор ва ишловотли ривожлантириш имконини беради.

Ҳайъат мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат мажлисида В.Галишев сузга чиқди.

(Ҳ.А.)

Тошкентдаги республика Байнамидлат маданият марказида Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита мажмуида ўтказиб келинаётган ана шу мавзудаги амали семинарининг ўтган йил якунилари бағишланган анжумани бўлиб ўтди. Унда барча миллий маданият марказлари раҳбарлари, вилот ҳокимларининг ўринбосарлари, олимлар, дин арбоблари иштирок этиди. Семинарни Республика Бай-

Ҳамжиҳатлик ва бағрикенглик — тараққиёт омили

налимилат маданият маркази раҳбари К.Расулов бошқарди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат мажлисида 3.Хуснидинов семинарида сузга чиқиб, мамлакатимизда турли миллат вакиллари билан биргаликда ҳамкор ва ҳамнафас бўлиб ишашгани диний-маънавий тотувлиқнинг ноидир тисмоли ва турли эътиқоддаги барча фуқароларга нис-

Амалий алоқалар

қўшилди. 1994 йилдан бошлаб у Жаҳон Божхона Ташкилоти (ЖБТ) деб атала бошланди. Бугунги кунга келиб унинг сафида 150 давлат бор. Мамлакатимиз унда 1992 йилда аъзо бўлиб кирган.

Жаҳон божхоначилар кунини нишонлаш 1983 йил 27 январда белгиланган. ЖБТ ўзи ташкил топган вақтдан бери жаҳон божхона амалиётининг ҳуқуқий асосини ташкил этишда 17 халқаро конвенция ва 50 дан ортиқ тавсия ишлаб чиқиб, амалга жорий этиди. Айни вақтда унинг миллий божхона хизматларини ривожлантириш талаб ва эҳтиёжлари тўлиқ ҳисобга олинган 2002 йилгача мўлжалланган стратегик режа-

си ишлаб чиқилган. Мамлакатимиз мазкур ташкилот билан ҳамкорлик доирасида товарларни тасвифлаш ва кодлаштиришнинг уйғунлашган тизимини қўлаш, товарларнинг божхонада баҳолашнинг тамойилларини ўрганиш, божхона тадбирларини соддалаштириш ва уйғунлаштириш ҳамда бошқа соҳаларда божхона хизмати имкониятларидан кенг фойдаланишмоқда. Бу борда Жаҳон савдо ташкилоти, Европа божхонаси, Интерпол, БМТнинг тивхандлик воситаларини назорат қилиш дастури билан йўлга қўйилган амалий алоқалар диққатга сазовордир. Шуниси эътиборлики, ташкилотта аъзо бўлган мамлакат-

лар божхоначилари тажрибасини ўрганиш ва улар билан ҳамкорлик самараси ўлароқ, божхоначиларини ўтган йилнинг ўзигагина 16 минг 765 марта контрабанда, божхона қонуничилиги бузилиши ва бошқа ҳуқуқбузарлик ҳолатларини аниқлади. Олиб борилган тезкор ҳаракатлар натижасида 4 миллиард сўмга яқин товармоддий бойликлар, хусусан, 280 миллион сўмга яқин озиқ-овқат маҳсулотлари, 900 тоннадан зиёд нефть маҳсулотлари, 600 тонна рағли минерал ўғит, 143 тонна доғ ва бошқа турдаги маҳсулотларнинг республикамиз ҳудудидан қонуннинг равишда четга олиб кетилишига чек қўйилди.

Маҳмуд БҲҲОН, ЎА муҳбири.

Энг яқин дўст, энг яқин ҳамроҳ

Ўз мустақиллигининг 10 йиллигини нишонлашга тайёргарлик қўраётган юртимизда оммавий ахборот воситаларининг роли тобора ормоқда. Хўш, ўтган даврда эришилган муваффақиятларини тарғиб қилишда, қадимий қадриятларимиз, буюк аждодларимиз бой меросини кенг оммага етказишда, ёш авлодни Ватанга муҳаббат, юксак садоқат руҳида тарбиялашда «Туртинчи ҳокимият» деб ном олган газета ва журналлар, радио ва телевидение шу кун таллаблари даражасида фаолият кўрсатаётганимиз.

Турли йўналишдаги 50 наشريёт йилга 30 миллион нусхадан кўпроқ дарслик, ижтимоий-сиёсий ва адабий-бадний китобларни ҳамда бошқа босма маҳсулотларни чоп этмоқда.

Ўтган йиллар мубоайнида оммавий ахборот воситалари ва уларда фаолият кўрсатаётган ижод аҳлининг самарали, эркин фаолият кўрсатиши учун кенг имкониятлар очадиган «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги, «Ноширлик фаолияти тўғрисида»ги, «Журналистик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги, «Ахборот олиши қарорларни тўғрисида»ги, «Муаллифлик ҳуқуқи ва турлош қасблар тўғрисида»ги ҳамда «Реклама ҳақида»ги муҳим қонунлар қабул қилинди.

Аммо, айрим оммавий ахборот воситалари, хусусан, газета ва журналлар ҳамон ҳаётий воқеаларни зудлик билан еритишда, замонавий қаҳрамонлари характерини тўлақонли, ёшлар ибодат оладиган даражада тарғиб этишда ҳаётдан орқадол қолмоқдалар. Бир қатор газета ва журналлар мазмун мундарижаси ва қиёфасида бир хиллик мавжуд эканлиги ҳам сир эмас. Уларда жанговарлик, ҳозиржавоблик етишмайд.

Яратилган бу имкониятлар Юртбошимизнинг «...Одамлар матбуотта, радио ва телевидениега катта умид билан қарайдилар, кўнгуллари оқидилар, уларни ҳаётда энг зарур, энг содиқ дўст, ҳамроҳ сифатида қадрлайдилар», деб

ишонч билан айтган сузларига ҳамохандир. Ҳозирги кунда республикамизда 719 оммавий ахборот воситаси мавжуд. Улар 507 газета, 157 журнал, 4 ахборот агентлиги ва 51 телерадиостанциядан иборат.

Миллий матбуот марказида бўлиб ўтган матбуот анжуманида ана шундай долзарб масалаларга эътибор қаратилди. Унда Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасининг раиси Р.Шогуломов ва қўмитанинг бошқа масъул ҳодимлари журналистларни қизиқтирган қўйлаб саволларга жавоб қайтардилар.

Миллий матбуот марказида бўлиб ўтган матбуот анжуманида ана шундай долзарб масалаларга эътибор қаратилди. Унда Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасининг раиси Р.Шогуломов ва қўмитанинг бошқа масъул ҳодимлари журналистларни қизиқтирган қўйлаб саволларга жавоб қайтардилар.

XX аср инсоният учун катта синовлар даври бўлди. Негаки, ушбу юз йиллик ақл-заковат ва салоҳиятнинг, илм-фан ва техниканинг буюк тараққиётга эришиш, маданиятнинг юксак поғонага кўтарилиши даври бўлди. Шу билан бирга бу аср қанчалар қанча муқдир воқеаларга ҳам шохидлик қилди. Бир эмас, икки жаҳон уруши, оммавий сиёсий қатағонлар, диний экстремизм ва халқаро терроризм сингари ноҳус ҳодисалар айнан XX асрда рўй берди.

Мустақиллик тўғрисида Ўзбекистон бир текис ривожланаётган мамлакатга айланди. Иқтисодийни бошқаришнинг сифат жиҳатидан янги тизими яратилди. Мулкдорлар синди шакллантирилди. Мамлакатда озиқ-овқат, айниқса, фалга ва нефть маҳсулотлари танқислигига барҳам берилди. Жаҳон иқтисодиётига интеграциялашув жараёни амалда оширилди. Унутулишга мажмуа этилган қадриятлар ва тарихимиз тикланди. Миллий бойлигимизни халқимизнинг ўзи тасарруф этишига эришилди. Бутун дунё тан олган, бироқ биздан яшириб келинган бой меросимизни ўрганиш напси этиди.

Икки аср туташган давр ўзгаришларга бойлиги, буюк шахсларнинг тарих саҳнасига чиқиши билан характерлидир. Шу маънода меҳнаткаш халқимизнинг бахтига Мустақилликнинг илк кунларидан бошлаб муҳим аҳамият касб этиди. Вазирилар Маҳкамасининг 1998 йил 24 апрелдаги қарори билан бозор муносабатлари жараёнида йўл қўйилган қўнунбузилишларнинг олдинги олиш борасида ҳўжалик сулдарининг роли янада оширилди.

Икки аср туташган давр ўзгаришларга бойлиги, буюк шахсларнинг тарих саҳнасига чиқиши билан характерлидир. Шу маънода меҳнаткаш халқимизнинг бахтига Мустақилликнинг илк кунларидан бошлаб муҳим аҳамият касб этиди. Вазирилар Маҳкамасининг 1998 йил 24 апрелдаги қарори билан бозор муносабатлари жараёнида йўл қўйилган қўнунбузилишларнинг олдинги олиш борасида ҳўжалик сулдарининг роли янада оширилди.

Мустақилликнинг илк кунларидан қабул қилинган Конституциямизда давлат ҳокимия-

Биродарлик рамзи

Ўзбекистонлик иқтисодчи мутахассисларнинг яна бир гуруҳи кунчиқар мамлакат иқтисодиёти билан муфассал танишиш, у ерда билим ва малакаларини ошириш имкониятига эга бўлдилар. Бунга пойтахтимизда ташкил этилган Ўзбекистон-Япония маркази имкон берди.

Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги ва Ўзбекистон Ташқи иқтисодий алоқалар вазирилик таъсис этган ушбу марказ икки мамлакат ўртасидаги маданий ва ижтимоий алоқаларнинг янада мустаҳкамлашишига хизмат қилиши шубҳасиз.

(Ҳ.А.)

АДОЛАТ ТАРОЗИСИ

Мирзоулугбек АБДУСАЛОМОВ, Олий ҳўжалик сулдар раиси.

Олий Мажлисининг охири сессиясида қабул қилинган «Сулдар тўғрисида»ги Қонун суд ҳокимияти ва уларнинг мустақиллигини амалда таъминлаш, олий судлов ўтказишнинг сифатини ошириш, ҳўжалик сулдарининг моддий-

дан буён 271,4 млрд. сўм маблағ даъвогарлар фойдасига ундириб берилганига ҳам бунинг исботидир. Ушбу маблағнинг 184,4 млрд. сўмлик, яъни учдан икки қисми фақатгина кейинги икки йил давомида ундирилганлиги эса бу борадаги меҳнатнинг самарасидан дарак беради. Кейинги 6 йил ичида ҳўжалик сулдарининг қарорлари асосида давлат божи ва жаримларни ҳисобидан республика бюджетига 4,3 млрд. сўм, 2000 йилда эса 1,0 млрд. сўмдан ортиқ маблағ ундирилди.

Айтиш жоғизки, сулдар томонидан чиқарилаётган суд ҳужжатларининг сифати ва самардорлиги тобора ошмоқда. Айниқса, иқтисодиётнинг соғломлаштириш мақсадида банкдорлик институтини самарали фойдаланишмоқда. 1995-1998 йиллар давомида 687 та иқтисодий ноҳор корхоналар банкдор деб эътироф этилган бўлса, 2000 йилда бу қўрсаткич 1420 тани ташкил этиди. Шунингдек, ушбу тоифага корхоналарни тутатиш, уларни давлат реестридан чиқариш билан боғлиқ амалиётнинг жонланганлигини алоҳида қайд этиш лозим.

Олий Мажлисининг охири сессиясида қабул қилинган «Сулдар тўғрисида»ги Қонун суд ҳокимияти ва уларнинг мустақиллигини амалда таъминлаш, олий судлов ўтказишнинг сифатини ошириш, ҳўжалик сулдарининг моддий-техника базасини кучайтириш борасида айтиш мумкинки, бугунги кунда ҳўжалик сулдарининг фаолияти ва вазифасини белгиловчи зарурий мустаҳкам ҳуқуқий база яратилган. Ҳўжуматимиз томонидан иқтисодий соҳада қўнунчиликни мустаҳкамлаш, қўнунбузилишнинг олдини олиш, вужудга келган ҳўжалик низолати

Хўжалик сулдарининг мажбурий ижрота оид фаолияти ҳам сон жиҳатидан кўпайиб, сифат жиҳатидан тақомиллаштириб бормоқда. Масалан, 2000 йилда 9 млрд. сўмлик 7 мингта яқин суд ҳўжатлари қарзор корхоналарнинг мол-мулкларини суд ижроичилари томонидан мажбурий сотиш йўли билан таъминланди. Умуман сулдар фаолиятидаги йил бир жиҳат бу дилвоғар ва жанобларлар ўртасида юзга келадиган низолатни ўз вақтида ва оқилона ҳал қилишдан иборатдир. Шундангина тиборларда қонунга нисбатан ишонч юзага келади, бу эса биз олиб бораётган фаолиятнинг энг катта ютуғидир. Негаки, қўнун ҳурмат қилинган жойда ҳеч қачон адолатсизлик юз бермайди, шу қўнунни яратган давлат ва у олиб бораётган сиёсатта нисбатан ҳурмат юзага келади. Бу ҳўлат эса биз қўраётган оид демократик жамият мақсадининг аси мавзи ҳисобланади. Бошқача қилиб айтганда, биз амалга ошираётган оид судлов ҳўжуматларимизда адолатга янада ишонч унғотилади, ҳўқуқий тарбия воситасига айланади.

Хўжалик сулдарининг қарорлари асосида 1995 йил-

дан буён 271,4 млрд. сўм маблағ даъвогарлар фойдасига ундириб берилганига ҳам бунинг исботидир. Ушбу маблағнинг 184,4 млрд. сўмлик, яъни учдан икки қисми фақатгина кейинги икки йил давомида ундирилганлиги эса бу борадаги меҳнатнинг самарасидан дарак беради. Кейинги 6 йил ичида ҳўжалик сулдарининг қарорлари асосида давлат божи ва жаримларни ҳисобидан республика бюджетига 4,3 млрд. сўм, 2000 йилда эса 1,0 млрд. сўмдан ортиқ маблағ ундирилди.

Айтиш жоғизки, сулдар томонидан чиқарилаётган суд ҳужжатларининг сифати ва самардорлиги тобора ошмоқда. Айниқса, иқтисодиётнинг соғломлаштириш мақсадида банкдорлик институтини самарали фойдаланишмоқда. 1995-1998 йиллар давомида 687 та иқтисодий ноҳор корхоналар банкдор деб эъти

2001 ЙИЛ — ОНАЛАР ВА БОЛАЛАР ЙИЛИ



Айтишларича, Янгирер шаҳридаги бу хонадонда ярим тунлари ҳам чироқ ўчмасмиш. Тонгда эса энг аввал мана шу хонадонда чироқ ёнармиш. Бу хонадон соҳибасини кўни-кўшилар оддийгина қилиб Валя опа дейишади. Тенгдошлари эса Валюшахон дея суюшади. Мироб бўлиб ишлаб юрган кезлари эса унга Валентина Фёдоровна дея муружаат қилишарди.

Бу аёл яшайдиган кўча шаҳардаги энг озода кўча ҳисобланади. Негаки, Валя опа ҳар тонгда ана шу кўчани супуриб-сидириб чиқади. Чорак асрдирки, бу юмуш унинг учун одатга айланган. «Нега бундай қиласиз?» деган саволга опахон елка учириб, қулиб қўя қолади.

Одамнинг кўзига қараб унинг юрагидаги кечинмаларни, дард ва қувончни, меҳр ва муҳаббатни ўқиб олиш мумкин. Бу аёлнинг кўзлари доимо қулиб туради.

Хикоямиз ана шу аёлнинг фақат уй-рўзгор туттиши, кўча супуриши, унинг мовий ва мафтункор кўзлари ҳақидагина эмас.

... Валентина Фёдоровна етти фарзанд кўрди. Бироқ уларнинг биронтаси ҳам узоқ яшамади. Беланчақлар бир чегда қолди. Уйинчоқлар қўтидан чиқарилмади. У айтмоқчи бўлган аллалар буганда қўлиб кетди. Тақдир экан-да. Ниҳоят турмуш ўртоғи Вячеслав Николаевич билан узоқ маслаҳатлашиб болалар уйидан фарзанд асраб олишга аҳд қилишди. Шу тариқа бу хонадонда аввал Мақсуд, кейин Ира, кўп ўтмай Толик пайдо бўлди. Мўъжаз хонадонни кичкинтойларнинг кулдулари тўлдирди.

Салимжон бу хонадонга келганда эндигина уч кунлик чақалоқ эди. Ана шу чақалоқ хаста бўлганини туфайли ҳам ота-онани худди қўриқиб қўйди. Салимжон ҳақида даволловчи шифокор айтган мана бу гаплар Валя опанинг ёлида қаттиқ муҳрлиб қолган. «Бу бола барибир узоқ яшамайди. Уни қайтариб етмонхонага топширинг. Боланинг яшаб кетишига юздан бир фоизгина умид бор, холос...»

Валентина Фёдоровна шифокор айтган ана шу юздан бир фоиз умид учун янаша аҳд қилди. У кечаю кундуз рамакжон ўғлининг атрофида гиргитон бўларди.

Болакай бир ярим ёшдан кейин ўзига келди. Уйқуси ҳам бинийдек бўлиб қолди. Икки ёшга тўлганда эса илк бор атак-чекчақ қадам ташлади. Аммо у

ҚАЛБИДА ҚУЎШИ БОР

ҳали ҳам нимжон эди. Онанзор уни еру кўкка ишонмасди. Бозор-ўчарга чиққанда ҳам уни елкасида опичлаб оларди. Салимжон туфайли сеvimли касбидан ҳам узоқ кечди. Беш нафар болани оқ юниб, оқ тараш учун маблаг зарур эди. Шу тариқа, уларнинг ҳовлисида кўй-қўзию, товуқлар пайдо бўлди...

Ойнинг ўн беши қоронғу бўлса, ўн беши ёруғ, дейдилар. Фарзандлари бирин-кетин балогатга ета бошлади. Ана шу йиллари гоҳ Мақсуд, гоҳ Ира кўчадан кўзлари қизариб, хо-муш бир алфозда кириб келишарди-да: «Ойи, сиз бизга ўғайминсиз? Одамлар шунақа дейишяпти...» дея унга термулишарди. Валентина Фёдоровна бундай дамларда кўпинча каловланиб қолар, кейин болаларини бағрига босиб «Ким айтса, бекор айтибди... Сизларни ўзим туққанман...» дея жа-

воб берарди. «Нега унда биримизнинг сочимиз сариқ, биримизники эса қора. Ана Славикнинг кўзлари ҳам, сочлари ҳам, қошлари ҳам қол-қора, Меники эса малланган...» дея савол беришни қўймасди.

«Бирингизни ёзда, бирингизни қузда, бирингизни эса қўқламда туққанман. Шунинг учун қош-кўзларингизда фарқ бор, болажонларим...» дедирди у. Бошқа нима ҳам дея оларди. Ахир бу болаларнинг бири ўзбек, бири немис, бири рус, бири татар, бири тожик бўлса. Ахир уларнинг қай бирига «Сизларни бағри тош оналар дунёга келтирган...» қай бирингизни уч кунлик, қай бирингизни бир ойлик эканлигингиз-да асраб опманман» дея оларди.

Йиллар бир-бирини қулаб ўтаверди. Йиллар турмуш қуришди. Қизи Ира ўзга хонадонга келин бўлиб тушди.

Яратганининг назари тушган бу хонадонда қўш қарнайлди тўйлар бўлди. Мақалла-қўй олдида дастурхон ёзилиб, ошлар туртилди. Бари фарзандлари ўзидан тиниб-тинчиди. Бугунги кунда улар Валентина Фёдоровна ва унинг турмуш ўртоғи Вячеслав Портновлар ўзларига ўғай эканлигини яхши билишарди. Бундан уларнинг меҳри асло қаймади. Аксинча бир муҳаббатга ўн муҳаббат қўшилди.

Валентина Фёдоровналарнинг турт нафар фарзанди бир уйда воғга этиб, сўнг темир қанот чиқариб, турли томонга учиб кетган қадирғоч болаларига ўхшайди. Салимжон қариялар билан қолди. Қолганлари эса Россиянинг турли бурчаларидан ўз оилалари билан истиқомат қилишарди. Йилда икки бор Портновлар ота-оналарини кўргани келишарди. Бу

ҳол анбана тусини олган.

Валентина Фёдоровна Мақсуддан келган хатни қўлимизга тутқазди. Унда шундай сатрлар бор эди. «... Онанжон, далажон! Олти ой ўтмасдан сизларни соғиниб қолдим. Ховлимиз, боғларимиз, дадам ва сизни тез-тез тушларимда кўраман. Невараларингиз қачон Ўзбекистонга борамиз, дея ҳар кунни хархаша қилади. Бизни янги йил арафасида кўтинг. Сизга ажойиб жун рўмол, кўйлак, дадамга эса зўр бир ранда олиб қўйганман. Қолган гапларни борганда гаплашамиз. Сизларни соғинган ўғлингиз Мақсуд...»

Салимжоннинг Муҳаббат исмли қизалоғи бор. Ўтган йили фарзандлар атайлаб Муҳаббат учун фортепиано соғва қилишди. Ундан олдинги йил эса рангли телевизор жўнатишди. Мақалладаги хат-хабарчи аёл Валя опани ҳазиллашиб «бой хотин» деб атади. Бу гапга ҳам опахон ним табасум билан жавоб беради. Негаки, уни фарзандларининг соғва-саломи эмас, балки бу дунёда борлиги, унга «Онанжон» дея муружаат қилиши кўпроқ қизиқтиради.

Унинг учун дунёнинг қай бурчида бўлмасин фарзандлари омон бўлса, уни ёллаб туринса бас...

Тун. Изирин. Бекобод шамоли гув-гув эсади. Мен хаёлан Валентина Фёдоровнани кўз олимга келтираман. Хойнаҳой у мана шу лаҳзаларда невараси Муҳаббатга алла айтаётган бўлса керак. Хойнаҳой у Муҳаббатнинг юлдўзларга, ойна, сўнмас қўёшга тенглаётган бўлса, ажабмас. Юрагида қўёш бор инсонгина алла айтади. Юрагида қўёш бор одамгина эзгулик дея, яхшилик дея тонгни кутади. Валентина Фёдоровна каби инсонлар қалбидagi қўёш эса сизу бизнинг вужудимизга умид, бахт ва оқибат аталмиш нурларини ҳаля этиб туради. Бу қўёш бор экан, эзгулик ва оқибат, инсонийлик ва меҳр аталмиш кўчаларда байрам бўлиши бўлган...

Аликул ХОНИМҚУЛОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Хикмат
Кимки эл бирла
муроса қилмади,
Умрининг ширинлигин
ул билмади.

ЭЪЛОН
«ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ»
АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ
МАЪЛУМ ҚИЛАДИ:
Ўзбекистон Почта ва телекоммуникациялар агентлигининг 2001 йил 19 январдаги 26-сонли буйруғига асосан 2001 йил 11 февралдан бошлаб телефондан фойдаланганлик учун абонемент тўловларини олдиндан тўланганда чегирмалар берилиши бекор қилинади
(125-04-20/2 - сонли Нархноманинг 1.5 бўлимига 2 илова)

САВДОДА ҚАТНАШИШГА ТАКЛИФ
ЎЗБЕКISTON РЕСПУБЛИКАСИ
ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИ
қонуний ҳуқуққа эга бўлган фирмаларни компьютер ускуналари (серверлар, узлуксиз энергия билан таъминлаш манбалари, модемлар, оптик диски жамлагичлар)
етказиб беришга доир танлов савдосида қатнашишга таклиф этади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00001 рақам билан рўйхатга олинган. Бу юртма Г — 716, 30797 нусхалда босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

ТАНИШУВ ҚИММАТГА ТУШДИ
Ажаб савдолар
Ушбу манзилда техник хизмат кўрсатиш ва тизимни дастур билан таъминлаш бошқармаси бошлиғи Баҳодир Божиевич Садиқовдан 2001 йил 31 январ соат 17.00 гача ариза шаклини олишингиз ва савдо шартлари билан танишиб чиқшингиз мумкин.

ТЕЛЕКОМУНИКАЦИЯЛАР СОҲАСИДА ФАОЛИЯТ КўРСАТАЁТГАН ХўЖАЛИК ЮРИТУВЧИ СУБЪЕКТЛАР ДИҚҚАТИГА!
ЎЗБЕКISTON ПОЧТА ВА ТЕЛЕКОМУНИКАЦИЯЛАР АГЕНТЛИГИ
ЭСЛАТИВ ЎТАДИКИ,
Ўзбекистон Республикасининг «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Вазирилари Маҳкамасининг 2000 йил 22 ноябрдаги 458-сонли «Телекоммуникациялар ва почта соҳасида бошқарув тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорига мувофиқ телекоммуникациялар соҳасида 2000 йил 22 ноябрдан қўшимча равишда қуйидаги фаолиятлар лицензияланади:

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги раҳбарияти ҳақида шахсий тарқиб ички ишлар идораларида узоқ йиллар хизмат қилган истефодати милиция генерал-майори
Тўйғун ТОХТАЕВИНИНГ
вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва ақидларига чуқур таъзия изҳор қилади.

БУЮК ОСМОН
Омон-омон юртларда юрдим,
Вайронага тоқатим йўқдир.
Омонлардан омон бўл, юртим,
Қаноатнинг кўзлари тўқдир.
Олмончи — вақт аниқлиги,
Фарангистон — эҳтирос ўлка.
Аҳли муслим бўлса имкони
Макка сари отламинш йўлга.
Америка — тезкор мамлакат,
Ҳар не янгликнинг ўчоғи.
Ўзбекистон — бағри бесарҳад,
Меҳру саховатнинг кучоғи.
Этмиш йилки ва ёки ортиқ,
Қудратин сир тутди бу Ватан.
То суякка етганда орғиқ,
Алпомиш уйғонди дафъатан.
Этмиш йиллик ватангадолик,
Этти пуштини қувди хотирдан.
Энди қўрқмоқ — катта хатолик —
Чодирга ўт қўйган ботирдан.
Ўзбекистон — Она меҳрибон,
Тоқат қилмас томчи ёшингга.
Ўзбекистон — у буюк осмон,
Тошлар отсанг қайтар бошингга.
Кувондиқ СИДДИҚОВ.

«СУВЖИХОЗТАЗ»
Ўзбекистон-Хитой қўшма корхонаси тежамкорликни бугунги куннинг асосий шiori деб билган хўжаликлар, ташкилотлар ҳамда фуқароларга ўз мақсулотларини тавсия қилади.
Корхонамизда ишлаб чиқарилаётган газ ва сув ўлчагич асбоблари Ўзбекистон давлат стандарти талабларига тўлиқ жавоб беради.
Улардаги: — юқори сезгирлик; — узоқ муддат хизмат қилиш; — аниқ ўлчаш; — газни ташқарига чиқармаслик; — бежирим ташқи кўриниш; — арзон нарх
каби афзалликлар юқори сифатдан далолат.
«Сувжихозгаз» харид қилинган асбобларнинг икки йил давомида бузилмасдан ишлашига кафолат беради ҳамда шу давр мобайнида носозликлар чиқиб қолса, бепул таъмирлаб беради.
Сизнинг тежамкорлигингиз — келажакка мадад!
Манзилимиз: Тошкент шаҳри, «Чилонзор» мавзеси, 20-даҳа, 19/3-уй.
Тел.: 117-15-42, 117-15-54, 117-15-56.

Жумбоқ
Дунёга машҳур шахслар — Жорж Вашингтон, Шерлок Холмс, Уильям Шекспир, Людвиг ван Бетховен, Наполеон Бонапарт ва Неронларни бир хотирланг. Улардан бири ўзига хос жиҳати билан бошқаларидан ажралиб туради. Топинг-чи?
КЕЧАГИ СОНДАГИ ЖУМБОҚНИНГ ЖАВОБИ:
12-жонзот — денгиз қисқичбақаси (яна бир номи қирол қисқичбақаси) умуртқасиз эканлиги билан қолган 11 та жонзотдан фарқлиниб туради.

ТАНИШУВ ҚИММАТГА ТУШДИ
Учкун 24 ёшда. Айни кункуватга тўлиб, гайрати тошган даври. У Хатирчида келиб Навоий шаҳар Галаба шох кўчасидаги хонадонларнинг бирида ижарада яшар, меҳнат деса қўллари «увишиб» қоларди. Лекин кунни буйи бозорларини «сайр» қилишни, «ҳийла тузоғини» ташлаб қўйишни қанда қилмасди.
Кунларнинг бирида Марказий деҳқон бозорига мева-чева савдоси билан шуғулланаётган Исомиддин Назаров кўнглига қўл солди. Сўхбат чоғида ўзини улабурон, ҳар ишга қодир, хизмат бўлса шайлигини қисқичиб ўтди.
— Э, ука, сизни менга Оллоҳ етказди, — деди кўвониб Исомиддин. — Паспортиمنى шаҳар пропискасига қўйишга қийналиб юрувдим.
— Дарров «ест» қилмазила, — деди Учкун унинг қўлидан 15 минг пул ва фуқаролик паспортини оларкан.
Орадан бир ҳафта ўтган, Учкун жиммайиб таниши олдига пайдо бўлди.
— Ўзимни пропискаламан деб ҳисоблайверинг. Яна 10 минг сўрашяпти.
— Иш битса бўлди. Мана пул, — дея Исомиддин 10 минг пул Учуқига тутқазаркан, — тезлаштиринг дўстим, ҳар кун паспортни сўрайдинглар кўпайиб қолди.
Танишининг кейинги ташрифтгина Исомиддинда шубҳа уйғотди. Қадрони унга паспортни ҳисобга қўйгани учун 28 минг сўм сарфлагани, яна 15 минг сўм бера ҳужжатини олиши мумкинлигини, йўқса, бозорда савдо қилишга қўймаслигини айтди. Дўқ-пўписа қилиб, елкасига бир-икки туртиб ҳам қўйди.
Афсус, навбатдаги пул олиш фирибгарининг «тузоқ»ларини бўшатиб ташлади. «Ҳожабатор» тутганидан танишдан 15 минг сўм пулни олаётганида жиноят устиди ушланди.
Тадбиркорликка эндигина қўл урган Исомиддин Назаров бозордаги танишув қимматга тушишини қардан билибди, дейсиз!

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги раҳбарияти ҳақида шахсий тарқиб ички ишлар идораларида узоқ йиллар хизмат қилган истефодати милиция генерал-майори
Тўйғун ТОХТАЕВИНИНГ
вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва ақидларига чуқур таъзия изҳор қилади.

«ХАЛҚ СЎЗИ»
«НАРОДНОЕ СЛОВО»
МУАССИСАЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирилари Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Аббосхон
УСМОНОВ

Тахрир хайъати:
Э. БОЛИЕВ (масъул котиб — «Халқ сўзи»),
М. ЕГОРОВ (масъул котиб — «Народное слово»),
Ш. ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»),
С. ЗИНИН,
М. МИРАЛИМОВ,
С. МУҲИДИНОВ,
Ш. РИЗАЕВ,
М. САФАРОВ,
Р. ФАРҲОДИЙ,
И. ХУДОЁЕВ,
И. ШОҒУЛОМОВ,
О. ҚАЙПЕРГЕНОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»),
Ў. ҲОШИМОВ.

БЎЛИМЛАР:
Ижтимоий-сўбсий хайёт — 133-57-34;
Иқтисодийёт — 136-36-65;
132-10-65
Маънавий ва маърифат — 136-35-60;
Газетхоналар билан алоқа ва минтақалар — 136-29-89, 133-07-48;
Фан, соғалқи сақлаш ва халқ таълими — 132-12-08;
Янгиликлар ва хаққор хайёт — 132-11-15;
Котибият — 133-10-28;
Эълонлар — 136-09-25.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00001 рақам билан рўйхатга олинган. Бу юртма Г — 716, 30797 нусхалда босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

Газета PENTIUM-II компьютертерда терилди ҳамда операторлар Ж. ТОҒАЕВ ва З. БОЛТАЕВлар томонидан саҳифаланди.
Навбатчи котиб — Ю. ҲАМИДОВ.
Навбатчи муҳаррир — И. ХУДОЁЕВ.
Навбатчи — Э. МАВЛОНОВ.
Мусаҳҳих — А. САТТОРОВ.

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Тахририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.

Босишга топшириш вақти — 21.00
топирилади — 23.40
1 2 3 4 5 6